

# Ishonch


2018 йил 3 март • шанба • № 27 (4000)

Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси нашри • Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган • www.ishonch.uz • e-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

## Қиёси йўқ бўстони...

Баҳор фасли бошланиши билан ўлкамизда сайру саёҳатга эҳтиёж янада ортади. Саёҳатга чиқиб, дам олишни кўнглига туюқан киши борки, аввало, ўзинга ҳар томонлама қулай ва сифатли хизмат кўрсатадиган ташкилот билан ҳамкорлик қилишни хоҳлайди. Бундай ишончли қозониш учун нима қилмоқ керак?

2-3-бетлар



## Асалнинг ози ширин

Тўй-ҳашамлар билан боғлиқ ортиқча сарф-харажатлар минглаб оилаларнинг моддий аҳоли ёмонлашуви, уларнинг қарз ва ғам-ташвиш ботқоғига ботишига, энг хавфлиси, жамиятимизда қарор топган маънавий муҳитнинг бузилишига олиб келмоқда.

3-бет



## Тоза туйғулар ифодаси

Қўлол сифатли кўза яшаш учун аввал соф туپроқ топади. Кейин уни яхшилаб пиштади. Сунгра дастгоҳда кўза ясади. Аммо бу саъй-харажатлар қўлолнинг тайёргарлиги, холос. Асосий иш — кўзани оловда тоблаш! Шоир ҳам афтидан қўлолга ўхшайди. Қўлол ўз кўзаларини ёниб турган таңдирга солса, шоир мисраларини ўз юрагига тоблади. Агар шоир қалбида олов бўлмаса, оташ бўлмаса, ёзганлари яроқсиз кўза сингари бўлиб қолаверди.

4-бет



## Америка Қўшма Штатлари Президенти Дональд Трампнинг Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевга йўллаган мактубига доир

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевга Америка Қўшма Штатлари Президентидан жорий йил 26-27 март кунлари Тошкент шаҳрида бўлиб ўтадиган Афғонистон бўйича халқаро конференцияга оид мактуб келди.

АҚШ Президенти Ўзбекистон Президентининг Тошкентда бўлиб ўтадиган Афғонистон бўйича халқаро конференцияга ташрифи баён этилган мактубини олганидан мамнун бўлганини қайд этди. Мактубда АҚШнинг Жанубий Осиёдаги стратегияси минтақа мамлакатларини Афғонистондаги низони тартибга солиш ва вазиятни барқарорлаштириш учун бирдек масъулият ҳис қилишга ундаши таъкидланган.

Дональд Трамп Ўзбекистон Президентининг минтақавий ёндашувга доир ташаббусини қўллаб-қувватлаши, бу эса ўз навбатида вазиятни тинч музокаралар йўли билан ҳал қилиш учун шароит яратиши, иқтисодий, жумладан, Афғонистон билан савдо алоқаларини ривожлантиришни қайд этди.

Шунингдек, мактубда бундай дейилган: «Минтақавий ҳамкорликни ривожлантиришга қаратилган саъй-харажатларингиз қатта муваффақиятлар келтирди. Ўтган йили ноябрь ойида Самарқандда бўлиб ўтган конференция бутун Марказий Осиё бўйлаб истикболли ҳамкорлик муҳитини

яратди, декабрь ойидаги Президент Ашраф Ғани билан учрашувингиз эса мустақкам ҳамкорлик ва тараққиётга замин ҳозирлаб берди. Сизнинг Афғонистон бўйича халқаро конференция ўтказишга доир ташаббусингизни тўлиқ қўллаб-қувватлайман, шундай экан, ишбу формат афғонистонликлар бошчилигида қўллаб-қувватлашга доир мувофиқлаштиришни таъминлаш учун биз ҳамкорликда астойдил ишлашимиз зарур. Оқ уй маъмурияти Тошкентдаги конференцияда иштирок этувчи АҚШ делегацияси таркибини кўриб чикмоқда.

Самимий ва илқ сўзларингиз, шунингдек, Афғонистондаги кўшма саъй-харажатларга қўшаётган улкан ҳиссангиз учун миннатдорлик изҳор этишга ижозат бергайсиз. Ўзбекистон халқига саломим ва эзгу тилақларимни етказишингизни сўрайман. Яқин орада Сиз билан учрашшни интизорлик билан кутиб қоламан.

Эҳтиром билан,  
Дональд ТРАМП,  
Америка Қўшма Штатлари Президенти»

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ «МАНГОЛЬД КОНСАЛТИНГ» КОМПАНИЯСИ БОШҚАРУВИ РАИСИ БИЛАН УЧРАШДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 2 март куни Тошкент халқаро аэропортида Германиянинг «Мангольд Консалтинг» компанияси бошқаруви раиси Клаус Мангольд билан учрашди.

Давлатимиз раҳбари меҳмонни қўлар экан, Ўзбекистонда Германиянинг етакчи компаниялари билан ўзаро манфаатли ва узоқ муддатли шерикликни ривожлантиришга устувор аҳамият қаратилаётганини алоҳида таъкидлади. Бугунги кунда мамлакатимизда Германиянинг «МАН», «Клас», «Лемкен», «Кнауф» каби ўз соҳасида етакчи бўлган концерн ва корхоналари муваффақиятли фаолият юритмоқда. «Сименс», «Бош», «Висман», «Хуман» ва қўллаб-қувватлаш компаниялари билан биргаликда истикболли инвестиция лойиҳалари ишлаб чиқилмоқда. Германиядан Ўзбекистон иқтисодига жалб этилган инвестициялар ҳажми 1 миллиард долларни ташкил этади.

Учрашувда Германия компаниялари билан Ўзбекистонда юқори технологияли ишлаб чиқариш корхоналарини очили, транспорт-

логистика ва туризм инфратузилмасини модернизация қилиш, савдо-сотиқ ва кўшма лойиҳаларни молиялаштириш бўйича амалий ҳамкорликни кенгайтириш истикболлари муҳокама қилинди. «Мангольд Консалтинг» компаниясига раислик қилиш билан бирга туризм соҳасида энг йирик компаниялардан бири бўлган «ТУИ груп» кузатув кенгашининг раҳбари саналадиган Клаус Мангольд Ўзбекистон Республикаси Президентига мулоқот қилиш имконияти ҳамда Германия ишбилармон доираларининг Ўзбекистондаги лойиҳалари ва тақлифларига кўрсатилаётган ҳар томонлама қўмақ учун самимий миннатдорлик билдирди. Ўзбекистон билан кенг қўламли ва ўзаро манфаатли бизнес-шерикликдан гоят манфаатдор эканини қайд этди.

ЎЗА

## ХАЛҚ ФАРОВОНЛИГИ ЙЎЛИДАГИ ЛОЙИҲАЛАР ИЖРОСИ ПРЕЗИДЕНТ НАЗОРАТИДА

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев жойларда амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари, олиб борилаётган ислохотлар жараёни, йирик лойиҳалар билан танишиш ва халқ билан мулоқот қилиш мақсадида 2 март куни Навоий вилоятида бўлди.

Навоий вилояти ўзининг меҳнаткаш халқи, ерости ва ерусти бойликлари, улкан иқтисодий салоҳияти билан мамлакатимизда алоҳида ўринга эга. Вилоятда қончилик, металлургия, кимё, энергетика, қурилиш материаллари, озик-овқат саноати изчил ривожланган.

Бугун вилоятда йирик саноат корхоналари фаолият кўрсатмоқда. Навоий кон-металлургия комбинати, «Навоий-азот», «Қизилқуммента», «Навоий иссиқлик электр станцияси» акциядорлик жамиятлари ва «Электркимёзаводи» кўшма корхонаси шулар жумласидандир.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев ўтган йил 28 март куни вилоятга ташриф буюриб, ижтимоий-иқтисодий ривожланиш жараёнига доир ишлар билан танишган эди. Орадан ўтган бир йил давомида вилоятда улкан ишлар амалга оширилди. Ижро жараёни давлат раҳбарининг шахсий назоратида. Президентимизнинг бу сафарги ташрифи ҳам ана шу мақсадларга қаратилгани билан аҳамиятлидир.

Давлат раҳбари дастлаб Кармана туманидаги «Қатна

golden eggs» масъулияти чекланган жамиятида бўлди. Уни ташкил қилиш бўйича лойиҳа ўтган йил март ойида Президентга тақдим қилинган эди. Орадан ўтган вақт давомида биринчи босқичдаги ишлар бошланди. 90 кунда товуқ етиштиришга мўлжалланган паррандачилик комплексида эллик иш ўрни яратилди. Мажмуада жўза уч ой давомида парвартиллашиб, тухум берадиган товуқ ҳолида сотувга чиқарилади.

Президент Шавкат Мирзиёев лойиҳа ташаббускорлари билан келажак режалари ҳақида суҳбатлашди. Маълум қилинганидек, 2019 йилда инкубация, тухум етиштириш комплексларини ишга тушириш мўлжалланган. Олинган маҳсулотнинг 30 фоизи экспортга чиқарилади, яна 100 кишининг бандлиги таъминланади.

— Паррандачилик бўйича тизим яратилибди, — деди Президент. — Энди бу ерда тухум етиштириш ва уни экспортга чиқаришни йўлга қўйиш лозим.

Президент Шавкат Мирзиёевнинг Навоий вилоятига ташрифи доирасида «Навоий» эркин иқтисодий зонасида

истикболдаги режалар тақдими бўлиб ўтди. Маълумки, 2010-2016 йилларда иқтисодий зонада 22 та лойиҳа амалга оширилган бўлиб, 904 иш ўрни яратилган. Тақдим қилинган режага кўра, 2017-2019 йилларда 32 та лойиҳа амалга оширилиб, 1659 та иш ўрни яратилади. Бунда электротехника, фармацевтика ва тиббий буюмлар, машинасозлик ва автомобилсозлик, қурилиш материаллари, кимё ва нефть кимёси маҳсулотлари ишлаб чиқариш кўзда тутилган.

Лойиҳаларда мрамар ва гранит тошлар, композит тош маҳсулотлари ишлаб чиқариш режаси ҳам ўрин олган. Тош қарьерларидан мрамар қазиб олиш, қайта ишлаш, композит ва архитектура қурилмалари яратиш ишлари бажарилади.

Давлат раҳбарига тақдим қилинган яна бир режа бўйича 2018-2019 йилларда умумий қиймати 84,5 миллион АҚШ долларига тенг бўлган алюмин профиллар, аксессуар ва бутловчи қисмлар ишлаб чиқарувчи 4 та лойиҳа амалга оширилади.

2»



## ДЎСТ БИЛАН ОБОД УЙНИНГ

Халқимиз дўстни ҳаммиса бошига кўтарган, давраларнинг энг тўртини унга бўшаб берган. Шунинг учун, бу аъёна асрлар оша ўз қадр-қимматини йўқотмасдан келмоқда. Тантанали тадбирда сўз олган Самарқанд ва Сўнд вилоятлари ҳокимлари масаланинг ушбу юқатига алоҳида эътибор қаратишди. Самарқандлик меҳнат фахрийси, 85 ёшли Бобомурод Зиёевнинг ҳам ўзбек, ҳам тоjik тилида дил изҳорини баён этиши эса барчани ҳаяжонга солди.

3»

## КЕЛГУСИ СОНЛАРДА:

### Шойим БЎТАЕВ ОДИЛ ЁҚУБОВ ФЕНОМЕНИ

Эссе

Ёзувчи ўз сўзи, ўз фикрига эга бўлиши керак. Ҳар қандай ўзгаришларни бировларнинг гапи ёки буйруғи билан эмас, ўз қалбида синтез қилиши лозим. Ёзувчи қалби алдамайди. Шелли «Шоирлар — дунёнинг тан олинмаган қонуншунослари», деганда ҳақиқий ижодкорларни назарда тутган. Ҳақиқий ёзувчилар ҳам шундай.



### Нурбек ТОШНИЁЗ ХОРИЖ ТАЖРИБАСИНИ ЎРГАНИШ ОСОНМИ?

Бирон соҳада хориж тажрибасини ўрганиш учун, аввало, ундаги муаммоларни яхши тушунган мутахассислар ташаббуси билан қайси жойлар илгор кўниқмага муҳтож эканини белгилаб олиш, шундан сўнг дипломатик корпус ёрдамида бу борада малакали бўлган мамлакатларни аниқлаб, улар билан алоқа ўрнатиш керак бўлади. Бундай гуруҳни шакллантиришда эса, ўрганилаётган соҳанинг юртимиздаги ҳолатини жуда чуқур биладиган амалиётчи мутахассислар билан бир қаторда соҳада илмий тадқиқот юритиётган назарийчи олимларнинг ҳам бўлишини таъминлаш лозим.



Президент Шавкат Мирзиёев 1 март куни Савдо-иқтисодий, илмий-техникавий ва маданий ҳамкорлик бўйича Ўзбекистон — Туркменистон ҳукуматлари кўшма комиссиясининг навбатдаги йилгилиши доирасида мамлакатимизга ташриф буюрган Туркменистон Вазирлар Маҳкамаси Раисининг ўринбосари Байрам Аннамередовни қабул қилди.

Жорий йил 28 февраль куни «Пахта хом ашёси ва бошқоқ дон етиштиришни молиялаштириш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Президент қарори қабул қилинди.

Унда бозор муносабатларини кенг жорий этиш ҳамда қишлоқ хўжалигида молиялаштириш ва ўзаро ҳисоб-китоблар механизмларини тубдан такомиллаштириш, шу асосда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчилар ва уларга хизмат кўрсатувчи корхоналарнинг молиявий-иқтисодий ҳолатини яхшилаш, рентабеллигини ошириш, етиштирилаётган маҳсулот ҳажмлари барқарор ўсишини таъминлаш борасида вазифалар белгиланган.

28 февраль куни Ўзбекистон Президентининг «Виночилик соҳасини ва алкогольли маҳсулотларни реализация қилишни тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори эълон қилинди.

Унга кўра, «Ўзвиносаноат-холдинг» АЖ ва унинг Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси тегишлича «Ўзшарбоса-

ноат» АЖ ва «Ўзшарбосаноат» АЖ Ривожлантириш жамғармаси деб қайта номланганидан бўлди. Соҳага тааллуқли бўлмаган корхоналар «Ўзшарбосаноат» таркибидан чиқарилади.

«Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий фаолиятини янада тартибга солишни ташкилий чора-тадбирлари тўғрисида»ги Президент Фармойиши қабул қилинди. Фармойишда божхона тизимини такомиллаштириш ва ташқи савдо фаолиятини амалга ошириш жараёнидаги божхона тўловларини оптимизация қилиш бўйича Ишчи комиссия ташкил этиш кўзда тутилган.

Ишчи комиссияга шу йилнинг 1 апрелга қадар божхона тарифларини тартибга солиш тизимини янада такомиллаштириш, замонавий рақобатбардош ишлаб чиқаришни ташкил этиш, шу жумладан, ташқи савдо фаолиятини амалга оширишдаги божхона тўловларининг янги ставкаларини тасдиқлаш бўйича тегишли ҳужжат лойиҳасини киритиш вазифаси юклатилди.

Республика «Маҳалла» хайрия жамоат фонди ва «Нуроний» жамғармаси фаолиятларининг тўйлар, оилавий тантаналар ва бошқа маросимларни ортқича сарф-харажати, дабласиз ўтказиш юзасидан мамлакатимиз халқига муружаати қабул қилинди.

Интернет нашрлари ҳамда ўз мухбирларимиз хабарлари асосида тайёрланди



**Касаба уюшмаси ҳудудларда**

**ЖИЗЗАХ.** Касаба уюшмалари Федерациясининг ёш авлодга қаратаётган эътибори кун сайин ортиб бормоқда. Жумладан, Федерациянинг «Олий таълим муассасаларида таҳсил олаётган фаол ёшларга касаба уюшмалари стипендиясини таъсис этиш ва санаторийларга бепул йўлланмалар ажратиш тўғрисида»ги қарорига асосан жамоат ишларида ва ўқиш жараёнида фаол бўлган Жиззах давлат педагогика институтининг 2-босқич талабаси Дилафруз Жумановага касаба уюшмалари стипендияси тайинланди. Шунингдек, Жиззах Политехника институтининг 1-босқич талабаси Исрол Каримовга санаторийга бепул йўлланма ажратилди.

**НАМАНГАН** шаҳридаги «Иккиламчи қора металл» МЧЖда жамоа шартномасининг ўтган йили ижросига бағишланган йилгилик бўлиб ўтди. Унда иш берувчи томонидан директор ўринбосари Олимжон Жаббаров ҳамда касаба уюшма кўмитаси раиси Люба Рахматуллаеванинг ҳисоботлари тинтилди.

— Корхонамизда 90 нафар ходим меҳнат қилади, — дейди Зоиржон Абдуғафоров. — Ҳар бир ходим касаба уюшма эътиборини доимо ҳис қилиб яшайди. Ходимлар манфаатини ифода этувчи ва химоя қилувчи ташкилотимизнинг самарали фаолияти ишлаб чиқариш кўрсаткичларимизга ижобий таъсир кўрсатапти.

**ҚАШҚАДАРЁ.** Президентимизнинг 2017 йилнинг 28 декабридаги «2018 йилда расмий саналарни нишонлаш даврида қўшимча ишланмайдиган кунларни белгилаш ва дам олиш кунларини кўчириш тўғрисида»ги фармони мазмун-моҳияти давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касаба уюшмаси Қарши шаҳар кенгаши тизимидаги 210 дан ортиқ корхона, ташкилот ва муассасаларда кенг тарғиб қилинди.

Учрашувларда расмий саналарни нишонлаш даврида ходимларнинг тўлиқ дам олиши учун қўшимча шарт-шароит яратиш, байрам кунларидан оқилонга фойдаланиш бўйича қўрилган чора-тадбирлар ҳақида атрафлича тушунча берилди.

**СУРХОНДАРЁ** вилояти касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси томонидан Қизилқум туманида аҳолининг иқтисодий ҳаётидаги муаммоларни ўрганиш ҳамда уни бартараф этиш борасида кенг қўламли ишлар амалга ошириб келинаётган. Хусусан, моддий ёрдамга муҳтож 5 нафар оиланинг фарзандларини даволатиши учун моддий қўмак берилди. Тумандаги 30 нафар кам таъминланган оилага газ плитга ва газ баллонлари тарқатилди.

**СИРДАРЁ** вилоятининг чекка қишлоқларида истикомат қилувчи кам таъминланган оилаларни газ баллонлари ва газ плиталари билан таъминлаш бўйича касаба уюшмалари томонидан режа-таксимот жадвали ишлаб чиқилди. Унга мувофиқ, 376 та оила ушбу воситалар билан таъминланди.

Шундай тадбирлардан бири Ховос туманидаги «Ўзбекистон тўқинчилиги» маҳалласида ҳам ташкил этилди.

Ўз мухбирларимиз

# ХАЛҚ ФАРОВОНЛИГИ ЙЎЛИДАГИ ЛОЙИХАЛАР ИЖРОСИ ПРЕЗИДЕНТ НАЗОРАТИДА

— Навоий вилоятида иқтисодий лойиҳаларни амалга ошириш учун барча имкониятлар мавжуд, — деди Президент. — Бу имкониятлардан унумли фойдаланиш учун ташаббускор тадбиркорларни топиш керак. Бунинг учун яқин вақтда вилоятда бизнес-форум ташкил қилиш лозим. Унга чет эллик инвесторларни ҳам жалб қилиш мақсадга мувофиқ бўлади. Ана шунда Навоийга энг сара инвесторлар келади.

Вилоятда шиша маҳсулотлари ишлаб чиқариш лойиҳаси Зарафшон шаҳри ҳудудида амалга оширилди. 350 кишининг бандлиги таъминланган корхонада силлик лист ойна, шиша идишлар ишлаб чиқарилади.

Президентга замонавий иссиқхоналар ташкил қилиш, паррандачилик, балкичиликни ривожлантириш бўйича амалга оширилган ишлар ҳақида маълумот берилди.

Баликчиликка оид режа давлат раҳбарига манзур бўлди. Унда Кармана туманидаги хонадонларда кичик сув хавзалари барпо этиб, интенсив усулда балик етиштириш мўлжалланган. Лойиҳага кўра, икки сотих ерда интенсив усулда балик етиштирилади. Давлат раҳбарига етиштирилган балик турлари, озукаси, даромадлар ҳақида маълумот берилди.

— Балик парҳез маҳсулот ҳисобланади, гўшт ўрнини босади. Шундай экан, бу тармокни ривожлантиришга қатъий эътибор бериш зарур, — деди Президент. — Хонадонларда етиштирилган балик аҳолига фақат қўшимча даромад манбаи эмас. У соғлиқ учун ҳам фойдалидир.

Маълум қилинганидек, Навоий вилоятидаги «Тудукўл» сув ҳавзасида очилган баликчилик мажмуасига 1200 гектар ер ажратилди. Эронлик инвесторлар томонидан амалга оширилган лойиҳа йилига 5000 тонна балик, 4000 тонна қайта ишланган балик маҳсулотлари (балик филеси, фарши, дудланган балик) тайёрлашни кўзда tutади.

Мамакатимиз иқлим шароитига мос, тоғ ва тоғолди ҳудудларда етиштирилган писта меваси хуштаъмлиги билан алоҳида ажралиб туради. Олимлар фикрича, писта дарахти минг йилгача ҳосил беради.

Президент Шавкат Мирзиёев Навоий вилоятига ташрифи доирасида Нурота туманида 10 минг гектар лаъми ерда ташкил этиладиган интенсив писта плантациялари лойиҳаси билан танишди. Давлатимиз раҳбарига унинг афзалликлари ҳақида батафсил маълумот берилди. Қиймати 21 миллиард сўмлик ушбу лойиҳанинг амалга оширилиши натижасида 850 киши доимий иш билан таъминланади.

Маълумки, бизда мавжуд технологиялар асосида экилган писта 11-12 йилда ҳосилга қиради. Бир туپ дарахтдан 200-300 грамм ҳосил олиш мумкин. Янги плантацияларни тақомиллашган технология асосида барпо этиш кўзда тутилган. Яъни қўчатхонада ўстирилган ниҳолга иккинчи йил навдор писталардан олинган қуртак пайванд қилинади. Учинчи йилдан уни очик майдонда экиш мумкин. Ушбу технологияда экилган писта 7-8 йилда ҳосилга қиради. Унинг бир туپидан 1,5-2 килограмм писта олиш мумкин.

— Қишлоқ хўжалигида илмий ёндашмай қўйганимиз боис кўплаб экилардан қутулган даражада ҳосил ололмаганимиз, — деди Президент. — Бундан буён соҳага илм-фан ютуқларини кенг жорий этиш, экинни экишдан бошлаб уни йиғиб-териб олишга олимлар билан ҳамкорликда иш олиб бориш керак. Ҳосилдорлик қанча юқори, экспортбўлбўлса, дехкон бойиёди. Бизнинг асосий мақсадимиз ҳам шу.

Писта плантациялари 2018-2021 йиллар давомида барпо этилади.

Давлатимиз раҳбарига Тошкент кимё технологиялари илмий-тадқиқот институти олимлари ишлаб чиққан гидрогель моддаси ҳақида ҳам маълумот берилди. Ушбу модда ўсимлик ўсиши ва ривожланишини жадаллаштиришга хизмат қилади. Гидрогель ёмғир сувини ва ўсимликка берилган ўғитни сақлайди. Сувни 50 фоизгача тежашга ёрдам беради.

Президент Шавкат Мирзиёев Навоий вилоятида чўл ўрмончилигини ривожлантириш илмий марказини ташкил этиш, Хатирчи туманида бог ва замонавий иссиқхона барпо этиш, мевасабзавотни қайта ишлаш, Навбахор туманида томчилатиб сугориш усулида бодом ва писта плантациялари очил, қоракўлчилик, тивит жунли эчкиларни кўпайтириш, 2018-2019 йилларда вилоятда озик-овқат таъминотини раванк топтириш ва қатор бошқа йўналишларга оид истиқболли лойиҳалар билан танишди. Уларни ўз вақтида сифатли бажариш юзасидан топширик ва кўрсатмалар берди.

Давлат раҳбари Навоийга ташрифи давомида вилоятнинг энг олис ҳудудларидан бири — Томди туманида ҳам бўлди. Тумандаги 12-болалар мусика ва санъат мактабида Навоий вилоятида амалга оширилаётган лойиҳалар ва истиқболдаги режалар билан танишди.

Президентга дастлаб Томди, Учқудук, Қонимех туманлари ва Зарафшон шаҳрини комплекс ривожлантириш чора-тадбирлари ҳақида маълумот берилди. Вилоятнинг ушбу чекка туманлари ва Зарафшон шаҳрида саноат, халқ истеъмоли моллари, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш тармокларига амалга оширилган лойиҳалар аҳоли фаровонлигини яхшилашга хизмат қилади.

Хусусан, Учқудук тумани жунли қайта ишлаш ва тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришга иқтисолаштирилади. Шунингдек, «Учқудук текстиль» МЧЖ томонидан жорий йилда тайёр кийим-кечак ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Натияжада 320 киши иш билан таъминланади.

«Қизилқум марвариди» корхонаси томонидан гидропоника усулида иссиқхона барпо этилади. Зарафшон шаҳрида йилига 4,5 минг тонна арматура, 10 миллион квадрат метр ойна, 250 миллион донна шиша идиш ишлаб чиқариш, қарийб 2 минг бошга мўлжалланган қорамолчилик комплекси, сизими 500 ва 200 тонна бўлган музлаткичли омборхоналар барпо этиш, 100 минг бошдан зиёд парранда боқиш, балкичилик хўжалиги, иссиқхоналар ташкил этиш лойиҳалари амалга оширилди.

Томди, Қонимех туманларида ҳам шу каби истиқболли лойиҳалар ҳаётга тағбиқ этилади. Натияжада икки йил ичида 4 минг иш ўрни яратиш кўзда тутилган. Маълумотларга кўра, Қонимех туманида қатъий йўл бўйида ташкил этилган тузчилик мажмуасига ўтган йили 61 давлатдан 3 минг сайёҳ келган. Бу ердаги шароитлар талабга жавоб бермас эди. Тармокнинг самардорлигини эътиборга олиб, бу ерда минг бош туя ва 500 бош насли эчки боқишга мўлжалланган қорвачилик комплекси барпо этиш режалаштирилган. Умумий қиймати 15,7 миллиард сўм бўлган ушбу замонавий қорвачилик мажмуаси учун хориждан насли эчкилар сотиб олинади. Бу ерда йилига минг тонна туя, 300 тонна эчки сутти қайта ишланади. Бу жой нафақат туя ва эчкичилик мажмуаси, балки йилига 10 минг сайёҳни қабул қиладиган замонавий экотуризм марказига айланади.

Шу ўринда туя сутининг шифобахш хусусияти ҳақида тўхталиш жоиз. Унинг таркибиде А, В1, В2, С ва D витаминлари ситир сутига қараганда 3 баробар кўп. Кальций, калий, мағний, темир, мис, марганец, рух, фосфор каби микроэлементларга бой. Бундан ташқари, туя сутида эластин, ланолин, лактоферрин каби

фойдали моддалар мавжуд. У қандли диабет, камқонлик, гепатит, нафас ва ошқозон-ичак йўллари, буйрак, юрак, асаб касалликларига даво бўлиб, иммун тизимини мустаҳкамлайди.

Бу ерга келган сайёҳлар ана шу шифобахш сутдан татиб кўриши, чўл бўйлаб туя ва квадроциклларда сайр қилиши мумкин бўлади. Давлат раҳбари мутасаддиларга мажмуани Мустақиллик байраминга қуриб битказиш ва сайёҳларга зарур шароит яратиш юзасидан топшириқлар берди.

Томди туманидаги Навоий кон-металлургия комбинатига қарашли 4 минг бош қўй боқишга мўлжалланган қорвачилик комплекси ҳам шундай истиқболли лойиҳалардан бўлиб, вилоятда қоракўлчиликни ривожлантириш ва янги иш ўринлари яратишга хизмат қилади.

Ижтимоий лойиҳалар тақдироти ҳам ўтказилди. Хусусан, Томди туманида «Шодлик» меҳрибонлик уйи тарбияланувчилари учун болалар шаҳарчаси қурилади. Майдони 4,3 гектар бўлган шаҳарчада болалар учун барча қулайлик яратилади. Қурилиш ишлари март ойида бошланиб, йил охиригача якунланади.

Зарафшон шаҳрида фавворалар хиёбони барпо этиш, Учқудук туманидаги «Қончи» санаторийини таъмирлаш ва жиҳозлаш лойиҳалари шаҳарлар ободлиги ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Президент Зарафшон ва Учқудук шаҳарларидаги кўп қаватли уй-жой фондини таъмирлаш ишлари билан танишди.

— Олиёда жойлашган бу шаҳарлар аҳолиси яхши яшашга ҳақли, — деди давлат раҳбари. — Ўтган йили 150 уй таъмирлаб берилган эди, 2018-2019 йилларда қолган 723 турар жойнинг томидан ертўласигача мукамал таъмирдан чиқарилади.

Айни пайтда 2026 йилгача қимматбаҳо металллар казиб олишни кўпайтириш, «Аминзо-Амантой» қонини ўзлаштириш, Мурунгов қонини ўзлаштиришнинг 5-босқичи, Томди туманидаги 2-гидрометаллургия заводи қувватларини кенгайтириш каби лойиҳалар тақдиротлари ўтказилди.

Давлат раҳбари барча лойиҳаларни ўз вақтида ва сифатли амалга ошириш, маҳсулот ишлаб чиқаришни янада кенгайтириш бўйича зарур кўрсатмалар берди.

Шавкат Мирзиёев шу ерда Томди, Учқудук, Қонимех туманлари ва Зарафшон шаҳри жамоатчилиги вакиллари, оқсоқоллар, ёшлар, тадбиркорлар билан мулоқот қилди. Сухбатда мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотлар, яратилаётган улкан имкониятлар, ён қўшниларимиз билан дўстона алоқалар фаоллаштираётгани, одамларни иш билан таъминлаш, энг чекка Томди туманида сув манбаларини топиш ҳисобига аҳоли фаровонлигини ошириш, ёшлар таълим-тарбияси каби масалалар ҳақида сўз юритилди.

Шу кунги Хатирчи тумани ҳокимлигида вилоят фаоллари иштирокида йилгилик бўлиб ўтди. Унда вилоят иқтисодиётини юксалтириш, одамлар турмуш шароитини яхшилаш, янги иш ўринлари яратишга эътиборни қўйиштириш, таълим, тиббиёт ва бошқа соҳаларда бошланган ислохотларни изчил давом эттириш, аёллар ўртасида жиноятчиликни камайтириш каби қатор долзарб масалалар муҳокама қилинди. Президент одамларнинг муаммо ва тақлифларини эшитиб, мутасаддиларга уларни қисқа фурсатларда бартараф этиш бўйича тегишли топшириқлар берди.

Шу билан Президент Шавкат Мирзиёевнинг Навоий вилоятига ташрифи якунига етди. Сафар асносида алоҳида таъкидланганидек, истиқболли лойиҳалар, берилган топшириқлар ижроси давлат раҳбарининг доимий назоратида бўлади.

ЎЗА

**«Касаба сайр» саёҳатга чорлайди**

Юртимизнинг туристик жозибадорлигини ошириш йўлида амалга оширилаётган ишлар сайёҳлар оқими янада ошишига замин яратаяпти. Ҳаво кемалари, «Афросиёб» поездлари, ўзимиздан чиқаётган энгил машиналар манзилларни манзилларга улаяпти. Қанчадан-қанча инсонлар Самарқанд, Бухоро, Қарши, Термиз, Фарғона, Хива — қўйинги, диёримиздаги асори-атиқалар, тарихий масканлар, зиёратгоҳларни томоша қилиб, тоғли ҳудудларни отда, чўл-дашларни эса туяда кезиб, гўзалликлардан баҳра олмақда.

Мамакатимиз ўзининг қўлаб тарихий-меморий ёдгорликлари, лиқлими, меҳмондўст халқи билан ҳамisha дунё асли диққатини ўзига тортиб келган. Туризм соҳасидаги кенг қўламли ўзгаришлар хорижлик сайёҳларнинггина эмас, юртимиз ахлини ҳам мамнун этаяпти.

Президентимизнинг «Ўзбекистон Республикаси туризм салоҳиятини ривожлантириш учун қўлай шароитлар яратиш бўйича қўшимча ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармон асосида 7 та давлат фуқаролари (Исроил, Индонезия, Корея Республикаси, Малайзия, Сингапур, Туркия ва Япония)га, шунингдек, юртимизга мунтазам авиарейсларни амалга оширувчи ҳаво кемалари экипажлари аъзоларига мамлакатимиз ҳудудига кириш санасидан бошлаб 30 кунлик муддатга визасиз режим жорий этилди. Бундан ташқари, 39 давлат фуқароларига туристик визалар расмийлаштириш тартиби соддалаштирилгани фикримизнинг исботидир.

Туризм салоҳиятини оширишга республика касаба уюшмалари ҳам ўз ҳиссасини қўшиб келаяпти. Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси тасарруфидаги «Касаба сайр» унитар корхонаси томонидан бу йўналишда муайян ишлар амалга оширилмоқда.



вожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида», «Ички туризмни жадал ривожлантиришни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари соҳа ривожига янада кенг йўл очди.

«Ўзбекистон Республикаси туризм салоҳиятини ривожлантириш учун қўлай шароитлар яратиш бўйича қўшимча ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармон асосида 7 та давлат фуқаролари (Исроил, Индонезия, Корея Республикаси, Малайзия, Сингапур, Туркия ва Япония)га, шунингдек, юртимизга мунтазам авиарейсларни амалга оширувчи ҳаво кемалари экипажлари аъзоларига мамлакатимиз ҳудудига кириш санасидан бошлаб 30 кунлик муддатга визасиз режим жорий этилди. Бундан ташқари, 39 давлат фуқароларига туристик визалар расмийлаштириш тартиби соддалаштирилгани фикримизнинг исботидир.


Туризм салоҳиятини оширишга республика касаба уюшмалари ҳам ўз ҳиссасини қўшиб келаяпти. Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси тасарруфидаги «Касаба сайр» унитар корхонаси томонидан бу йўналишда муайян ишлар амалга оширилмоқда.

— «Касаба сайр» унитар корхонаси ташкил этилганига ҳам бир неча йил бўлди. Ўтган даврда қатъий тажриба орттирдик. Соҳага оид кўп жиҳатларни ўргандик. Бунинг амалда қўлаб келаяпти, — дейди корхона директори Тулқин Хидиров. — Баҳор фасли бошланиши билан ўлкамизда сайру саёҳатга эҳтиёж янада ортади. Саёҳатга чиқиш, дам олишни қўйилган туққан киши борки, аввало, ўзига хар томонлама қўлай ва сифатли хизмат кўрсатадиган ташкилот билан ҳамкорлик қилишни хоҳлайди. Бундай ишончли қозониш учун нима қилмоқ керак?

Индивидуал туризмда қатор омил-

ларга эътибор бериш талаб қилинади. Биринчидан, замон талабига жавоб берадиган транспорт воситасидан фойдаланиш лозим. Сайёҳларга энг сўнгги русумдаги транспорт турларини тавсия қиламиз. Иккинчиси эса меҳмонхона бўлиб, унинг тарихий обидалар атрофида бўлиши, меҳмонлар учун хизмати ва нархи қўлайлигини ҳисобга оламиз. Учинчиси — овқатланиш. Ҳар бир овқат, аввало, хавфсиз, тўйимли, шу билан бирга, мазаси билан сайёҳларга ёқини, сабзавотлардан тайёрланган салатлар ҳам шунга мос бўлиши лозим. Бир келиб унинг мазасини тотган борки, яна ва яна келишни, ўша таомни истеъмоқ қи-

# Қиёси йўқ



лишни истаса, «мазаси тилимда қолди», дея қайфияти кўтарилса, бундан ортиқ ютуқнинг ўзи бўлмайди. Таом танлаш жараёнида, аввало, миллийликка эътибор қаратамиз. Қайси ҳудудга борилса, меҳмонлар ўша жойнинг ўзига хос миллий овқатларини хуш кўришади. Уларнинг хоҳишига қараб ўша таомни тайёрлаш жараёни, қандай маҳсулотлар ишлатилиши ҳақида батафсил маълумот берамиз. Айни кунларда чет эллик туристлар учун таом тайёрлаш бўйича Маҳорат дарслари ўтказишни режа қилаяпти. Ош, ҳалим, чучура каби кўплаб миллий таомларимизни пишириш жараёнида уларнинг ўзлари ҳам бевосита иштирок этади.





Муносабат

# Сен баҳорни соғинмадингми?..

1.

Баҳорнинг илк кунлари... Ён-атрофингизга бир назар ташланг-а, табиат майнлашиб, одамлар кайфиятида янгиланиш палласининг белгилари сезила бошлаган. Атоқли шоиримиз Абдулла Ориповнинг ушбу ҳолатга мос қўйилган мисралари беихтиёр тилимизда айлана бошлайди:

— Сен баҳорни соғинмадингми?

Нафақат инсонлар, балки бутун наботот ва ҳайвонот дунёси соғинган баҳорга ҳам қадам қўйди. Халқ тилида илик узилди, дег лўнда таърифландиган, организмдан бироз куч-қувват қочган айти паллада кўклам тароватидан оламда бир уйғониш сезилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2018 йилги Наврўз умумхалқ байрамига тайёргарлик қўриш ва уни ўтказиш тўғрисида»ги қарори айнан табиатдаги сеҳрли ўзгаришларни одамлар қалбига кўчиргандек бўлди. Ушбу қарорнинг бир қатор муҳим жиҳатлари борки, бевосита халқимизнинг асрлар давомида сайқал топган, аънаёна айланган урф-одат ва қадриятлари моҳиятини ўзида мужассам этади.

2.

Инсон ўзидаги кўтаринки кайфиятни бошқалар билан ҳам баҳам кўргиси келади. Байрам ва шодиданларни баҳамжиҳат нишонлашга ҳаракат қилади. Бу Марказий Осиё халқлари, хусусан, ўзбекларга ҳам хос бўлиб, оммавий сайиллар ушбу жараёни тўлақонли ифодалай олади.

Қаҳрли қишдан эсон-омон кўкламга етишиш шукронаси азал-азалдан умумхалқ сайилларига улашиб кетган. Одамлар бир-бирини қутлаган, шифобахш кўкатлардан тайёрланган, турфа дармондорига бой таомлардан қувват олган.

Аждодларимиз эъвозлаган шундай давларни байрам қилмай бўладими? Юқоридаги қарорда ҳам Наврўз байрамини пойтахтимиз Тошкент шаҳрида, Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар марказларида, барча шаҳар, туман, қишлоқ ва овулларда умумхалқ сайиллари шаклида юқори даражада ўтказишга эътибор қаратилиб, «Азиз ватандошлар, ҳар кунингиз Наврўз бўл-



син!» деган гоёни ўзида мужассам этган ташкилий-амалий, маданий-маънавий ҳамда тарғибот-ташвиқот ишлари дастурини ишлаб чиқиш кўзда тутилган. «Ўзбек тилининг изоҳли лугати»да келтирилишича, сайил — баҳорда ўтказиладиган, шунингдек, қатга ва таънавали халқ сайр-томшаларидир. Сайиллар республикамизнинг барча ҳудудига бир-бирини жуда ўхшаш экани баробарида нозик фарқлари ҳам бор. Масалан, географик жойлашуви: тоғлар, кир-адирлар, чўл-текислик ва шаҳарларда нишонланиши билан ажралиб туради. Шунингдек, ҳудудларга мос равишда баҳорги тансиқ таомларнинг қай бири нисбатан қадрлироқ ҳисобланишига қараб ҳам фарқланиши мумкин. Албатта, сумалак бундан мустасно.

Яна бир ажралиб турадиган жиҳати — байрам томошалари. Юртимизнинг бир гўшасида фольклор жамоалари, дорбоз-у полвонлар чикишини хуш қўриша, бошқа жойларда кўпқари ва қураш каби мусобақалардан баҳра олишни исташади. Ушбу турфалик умумлашиб, Ўзбекистоннинг тўлиқ жойибасини акс эттиради.

3.

Эсимда: Болалигимизда кўкламни ўзгача интиқлик билан кутардик. Қир-адирликда жойлашган қишлоғимиз аҳли баҳор келиши билан байрамни қандай нишонлаш бўйича ўзаро кенгашар ва кенгроқ адир ташлашиб, тайёргарлик бошлаб юбориларди. Қатор ташкилий масалалар: мусобақалар уюштириш-у, таомлар тартилишигача келишиб олинарди. Қураш ва кўпқари каби ўйинлар

байрамга ўзгача кўтаринкилик бағишларди. Қурашни томоша қилганлар уни ҳақиқий ор ва гурур, мардлик тимсоли эканини яхши билишарди. Ушбу спорт турининг халқаро даражада эътироф этилаётгани ҳам шундан далолат.

Кўпқари — кенг адир бўлиб узор-узор отларнинг ерни титратиб чопиши, камчилар қарсиллаши, жунбушга келган оломоннинг ҳайқирғи, голибона олқишлар... Шундай, чавандозлик қадим-қадимдан отлар билан тиллашиб келган халқимизнинг ёвқурлигидан, жасурлигидан далолат.

Дарвоқе, сайилларда болажонлар қувончининг чеки бўлмайди. Улар иштирокидаги «Чиллақ», «Қувлашмачок», «Бештош» каби ўйинлар сайилларнинг кўркс ҳисобланади. Аслида ҳам байрамлардан ҳақиқий завқни туяйдиган, мўъжиза кўрайдиганлар жажжи қалб эгаларидир.

Баҳорги тадбирларни халқ оғзаки ижодиёти, лапарлар, турли айтишувларсиз тасаввур қилиш қийин.

Бундай қўшиқлар ўзгача оҳангга эгаллиги, олдий сўзлар ортидаги улкан мазмун билан алоҳида ажралиб туради. Айтимларнинг турличалиги, либосларнинг ранг-баранглиги ҳам ҳудудларимиз жойлашуви ва турмуш тарзини ўзида ифодалаши билан қадрли ва унутилмасдир.

Қарорда халқ сайиллари дастурларини тайёрлашда халқона ўйинлар, фольклор санъатининг энг яхши намуналарига кенг ўрин бериш, ҳунармандлик кўргазмаларини ташкил этиш, ибратли оила, ибратли маҳалла, ибратли

мактаб, моҳир бахши, моҳир лапарчи йўналишлари бўйича кўрик-танловлар ўтказиш, адабий-бадиий учрашувлар, китоб байрамларини уюштиришга алоҳида эътибор қаратишга урғу берилганида ҳам юқоридаги каби миллий маънавиятимизни, қадриятларимизни тараннум қилиш мақсади устувор.

4.

Аҳамият берсангиз, инсондаги кўтаринкилик, ўзини бахтиёр ҳис қила бошлаши меҳр-муруватга мойилликни кучайтиради. Кимгадир кўмак бергиси келади, одамлар кўзида қувонч порлашини истади. Бу орқали улкан савобга эришиши баробарида кишида ҳаловат пайдо бўлади, яшашга иштиёқ ортади. Шу маънода Президентимиз қарориде акс этган «Меҳрибонлик», «Саховат», «Муруват уйлари», кам таъминланган оилалар ва ногирон шахсларга моддий ёрдам кўрсатиш ишларини ташкил этиш вазифалари айни муддаодир.

Муқаддас китобларимизда савобли ишларнинг ажри нихоятда улуғ экани кўп бор таъкидланган. Бағрикентлик, ҳаққонийлик, меҳрибонлик каби хислатларга алоҳида урғу берилган. Халқимизнинг ота-онага, фарзандларга, қўни-қўшинларга ғамхўрлик қилишга, кўмакка муҳтожларга ёрдам кўрсатишга иштилоқлиги ҳам шундан.

Ҳазрат Алишер Навоий ҳам бежиз айтмаганлар: **Кимки бир кўнгли бузуғининг хотирин шод айламай,**

**Онча борқим, Кабба вайрон бўлса, обод айламай.**

Қарорда белгиланганидек, март-апрель ойларида ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ойлгини ташкил этиш ҳамда бу борадаги ишлар энг яхши йўлга қўйилган туман, қишлоқ ва маҳаллалар тажрибасини оммалаштириш жамоатчилигининг диққат марказида бўлади. Бунинг натижасини йилдан-йилга она заминимиз файзга, нурга тўлиб бораётгани мисолида ҳам кўришимиз мумкин. Ушбу хайрли тадбирлар доирасида жамоат ташкилотлари вакиллари, фаол ёшларимиз иштирокида ёлғиз кексалар, ногиронлар ва боқувчисини йўқотган оилалар юмушларига қарашлаётгани, хонадонлари таъмирлаб берилаётгани хар қанча тахсинга сазовор.

Барчасини бир жумла билан ифодаласак, халқимиз баҳорини, Наврўз байрамини ўзгача бир қувонч ва кўтаринкилик билан қутиб олиш тараддуиди.



Анамал ТОВЕБ «Ishonch»

Китоб мутолааси

Дунёда шоирлар кўп. Уларнинг ўз услуби, сўз айтиш маҳорати бор. Бари бир мавзуда қалам тебрата ҳам бир-бирини такрорламайди. Бу шоирнинг сийрати кўнгли дунёси, нигоҳининг турфалигидан. Аммо уларни бирлаштириб турадиган жиҳат — бу ҳаловатсизлик! Сўз сеҳри, шеър ҳикмати унга илҳом бағишлайди, кечаси хотиржам ухлашга, кундузи беғам соат санашга қўймайди.

# ТОЗА ТУЙҒУЛАР ИФОДАСИ

Жонажон диёримизда давр руҳи, юрт меҳри билан яшётган бедор ижодкорлар талайгина. Аллақачон устоз даражасига эришган таниқли шоир Ўткир Раҳматнинг «Ўтли рух» китобидан ўрин олган шеърлар ҳам қатта ҳаётий тажриба, чуқур фалсафий мушоҳада ва ўзбекна лутф асосида ёзилган.

Авалло, китобнинг нима учун айнан «Ўтли рух» деб номланганига тўхталсак. Бунга китобдан ўрин олган шеърларнинг хиссиётга, руҳий тебранишларга лиммо-лим экани, мисралар оловдай тизгинсиз, безовта ёзилганини асос қилишимиз мумкин. Сиз мутолаа жараёнида одатий лирик қаҳрамон эмас, балки бор ютуқ ва камчиликлари рўйирост юзгингизга айтувчи, умидворликка, келажакка ишонувчи, чинакам инсоний ҳаёт кечириб даяват этувчи оташин рух билан учрашасиз, суҳбатлашасиз.

Шеърлар маъноси, салмоғи ва руҳий тадрижи қараб 4 та бўлимга ажратилган. Хусусан, «Дунё кенглигига сиймайди кўнгли» туркумидаги шеърларда шоир болаликнинг шўх-шаддоқлиги, оловлигини, орзу-истаклар оламига сиймас даражада беҳисоблигини, «Сачраб оқар туйғулар хатто...» туркумида ёшлиқнинг ғайрати, шижоати, муҳаббатга тўла сарқаш нигоҳларини рамзлар, тимсоллар ёрдамида акс эттирган. Инсон умрини файласуфлар одатда тўрт фаслга ажратишни хуш кўради: баҳор, ёз, куз ва киш. Аммо шоир буни шунчаки такрорлашни ўзига эп кўрмайди. Балки фалсафий, теран мушоҳадаларга чайилган мисраларга яширади. Шу тарика учинчи туркум «Олисида миллларини кўш гулхани» ва кейингиси «Кичкиради тонининг кўзлари» деб номланган.

Ўткир Раҳмат шеър ёзиш учун алоҳида тайёргарлик кўради. Хар бир жумлани, сўзни узок ўйлаб юради. Жуда талабчанлик билан саралайди.

Сукут сақлаб, ризолик сўрдим, Кўз шопирди кирмонини, кўрдим. Яхши-ёмон кунлар ичида, Юрагининг армонини ўрдим.

Аммо муаллиф жимжимдор, ялтироқ ташбеҳлар ахтармайди. Ўзлиги, аслигини одамларга, бежаб-беэаб кўрсатишни истамайди. Борича кўринишни хоҳлайди ва шундай қилади ҳам. Шеърларидан болаликка хос беғуборлик, айни пайтда қатталарга монаид теран мулоҳаза, эҳтиёткорлик ва шоирона дарбадарлик шундоқки сезилиб туради. Шоир мисраларга самимиет қуйиб, ўзи тугилиб ўсган макон — қишлоқ, ундаги соф, дилкаш манзаралар, меҳнаткаш одамларнинг орзу ва ташвишлари,

кўзидаги меҳр, садоқат ва ишонч туйғуларини борича жойлаганига амин бўласиз.

У дардкаши — онасини соғинса она, сингилларини кўмсаса меҳрибон сингил, кенг далаю даштларини соғинганда қиндик қони тўкилган замин бўлувчи қадрдонлари — қоғоз ва қаламга ёрилади, унсизгина дардлашади, кўнглини шеърга тўқади. Шунинг учун ҳам қатта ижодий тажриба соҳиби бўлган муаллиф шеърларида «соғинч», «болалик», «остона», «қолис», «нигоҳ», «сиҳрон», «армон» сингари сўзларнинг тез-тез такрорланиши ўқувчини зериктирмайди, балки шоирнинг дардини, ички кечинмаларини янада тугал илғашга кўмаклашади. Бу рўйхатга яна бир сўзни қўшиб лозим. Бу сўз — йўл. «Ўтли рух» китоби муаллифи «йўл фалсафасига» кучли соғинч туйғули мурожаат этаётганини, уни бахтдан, болаликка қайтишдек



Саодатдан нигоҳ етмас адоқсиз йўллар ажратиб турганини билиб олиш мушкул эмас.

Нигоҳларини айби йўқ ахир, Эзилади топмайин чора. Йўл ҳам ҳали бўлмаган охир, Орта қайтиб кетмас, начора...

Шеър — кўнглида кўз очган туйғулар қиёми. Гуллар юзидаги шабнам! У қоғозга тушиб, тайёр ҳолга келгунча не-не синовларга учрайди. Қуллол сифатли кўза яшаш учун аввал соф тупрок топади. Кейин уни яхшилаб пишитади. Сўнгра дастгоҳда кўза ясади. Аммо бу сайё-харакатлар қуллолнинг тайёргарлиги, ҳолос. Асосий иш — кўзани оловда тоблаш! Шоир ҳам афтидан қуллолга ўхшайди. Қуллол ўз кўзларини ёниб турган тандирга солса, шоир мисраларини ўз юрағида тоблайди. Агар шоир қалбиде олов бўлмаса, оташ бўлмаса, ёзганлари яроқсиз кўза сингари бўлиб қолаверади.

Ўткир Раҳмат шеърларида ошқора аланга, очик-ойдин чўғ эмас, вазмин ёнаётган юрак тафти бор, узок ўйга чўмган донин қалб харорати бор. Буни бир қарашида англаш мушкул, бироқ кул тағида қатта олов ловулаётганини «Ўтли рух»ни обдон мутолаа қилган киши, албатта, хис этади.

Манзил хали кўрсатмаган бўй, Ғам-гуссалар кетмас нарига. Тортқилайди мени минг бир ўй, Олов ухлар ернинг қаърида.

Шоир ижодининг асосини Ватан мавзуси ташкил этади. У гоҳ дунёга келтириб, улғайтирган, нон-у ризк берган шу она-тупроқка чексиз меҳрини тўлиб-тошиб изхор этади, гоҳ серферзанд ота каби, диёрига бўлган муҳаббатини бир неча шеърга сочиб юборади.

Зоҳиджон ОЛОВ

Табиат ва биз



# Айиқлар инсон меҳрига муҳтож

Баҳмалнинг Ойқор тоғида кўнғир ва жигарранг айиқларни учратиш мумкин. Улар ҳид билиш ҳисси ёрдамида шерикларини топиб олади. Кўнғир айиқнинг қўриши яхши бўлмаса-да, ҳид билиш ва эшитиш қобилияти зўр. Дарахт танаси ва йирик буталарга ишқаланиб, ҳидини қолдиради. Бу белгилар ҳудудий низоларнинг олдини олишда асқотади.

Катта айиқнинг яси бурни ва ўткир тирноқларидан ҳеч бир рақиб қочиб қутулолмайди. Унга қаҳратон совуқ писанд эмас. Қалин мўйнаси, тери остидаги ёғи уни совуқдан сақлайди. Вазни оғир бўлса-да, тез югуради.

Ваҳшийлиги ҳаракатларидан шундоқки сезилиб туради. Мустаҳкам жағлари билан дарахт шоқлари, бут ва пояларни осонгина ғажийди. Емак

танлаб ўтирмайди. Она айиқ кичиктойларини меҳр билан парваришлайди. Айиқлар учун энг хавфли душман қондошлари — эркаклари. Она айиқ жонини бериб бўлса ҳам улардан болаларини ҳимоя қилиши лозим. Синҷов ва ғамхўр она учун ўлжа қидириш узокқа чўзилиши мумкин. Бу ҳеч ҳам яхшиликка олиб келмайди. Чунки бу пайтда болалари турли кўнғил-

сизликка рўбарў бўлиши мумкин. Она айиқ бирор хатар хавф солаётганини олдиндан сезади. У душманни чапигитиши яхши билади. Болалари эса яширишиб олади. Инстинкт шуни тақозо этади. Болалари мустақил ҳаётга тайёр бўлгунча уларни тарбиялаб боради. Вақт келганда она-бола айиқлар ўртасидаги ришта узилиб, болалари мустақил кун кечира бошлайди. Олдинда

улар учун оғир синовлар давом этади.

Озиқ-овқат кам пайтлари айиқларга кийин бўлади. Шунда ўсимлик илдизлари ҳамда тутанаклар ҳам емиш ўрнини босади. Очлик айиқларни қишлоқ чеккасидаги экин майдони ва дарё қирғоқларига боришга мажбур қилади. Тошларни ағдариб, мингоёқ, моллюска ва шу каби хашаротларини излайди. Сарҳатдан ҳам тап тортамайди. Қорин тўйдириш ғамини ейди.

Очлик, рақиблар таҳдиди, ўғринча ов қилувчи одамлар айиқлар ҳаётига хавф солади. Лекин Ойқор қишлоғида одамлар ва жониворлар бир-бирларига қўни қолган. Жониворлар атрофдагиларга

зиён етказмайди. Доимо бир сўқмоқдан юради, одамларга ҳужум қилмайди, одам ҳидини узокдан сезади. Тоғликлар ҳам шовқин солмасдан уларга ёқмайдиган иш қилшдан эҳтиёт бўлишади.

Қишлоқ одамларида айиқлардан ҳимояланиш учун зарур анжомлар бор. Улар зийрак жониворнинг гашига тегиб, ўлжасига кўз олайтирмастик кераклигини яхши билишади. Айиқлар ҳам инсон ҳаёти ва мулкига дабдурустдан таъвоуз қилмайди. Лекин айиқлар, барибир, одамлар меҳрига муҳтож. Чунки уларнинг сони қажмайиб бормоқда.

Абдулла САИДОВ

Табиат ва бизнинг эътиборимиз. «Ishonch» газетаси 2018 йилининг 1 апрелидан соғувга чиқарилади.

МУАССИС:



Бош муҳаррир: Хусан ЭРМАТОВ

Таъхир ҳайъати:

Абдулазиз Абдуллаев, Тўлқин Тешабоев, Эсон Ражабов, Улугбек Жалмонов, Фарход Ханалиев, Равайн Бедилов, Асрор Ишанходжаев, Муҳаббат Ўрмонбекова, Оксана Белоусова, Тимур Мамажонов (бош муҳаррир ўринбосари), Анамал Тошев

Бўлимлар:

Насаба уюшмалари ҳаёти — 256-87-63  
Хўқуқ ва халқаро ҳаёт — 256-64-69  
Миллий-маънавий қадриятлар ва спорт — 256-82-79  
Хатлар ва муҳбирлар билан ишлаш — 256-85-43  
Электрон нашр ва АКТ — 256-87-73

Манзилими:

100165, Тошкент шаҳри, Бухоро кўчаси, 24-уй.  
E-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

Газета ҳафтанинг сешанба, пайшанба ва шанба кунлари чиқади. Сотувда эркин нарҳда. Газета «Ishonch»нинг компютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Shaq» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида chop этилди. Қорқона маҳалли: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Таъхир хисоб рақами:

2021 0000 0004 3052 7001.  
АТИБ «protoka bank» Яшнобод филиали, Банк коди: 00959, СТИР: 201133889, ОЖОН: 87100

Ҳудудлардаги муҳбирлар:

Қорақалпоғистон Республикаси — (+998-91) 268-92-32  
Андижон — (+998-91) 475-23-60  
Бухоро — (+998-93) 653-50-81  
Жиззах — (+998-91) 943-67-44  
Наманган — (+998-90) 260-50-77  
Навоий — (+998-93) 314-13-03  
Самарқанд — (+998-97) 915-50-87  
Сирдарё — (+998-90) 610-95-55  
Сурхондарё — (+998-91) 233-69-07  
Фарғона — (+998-91) 141-27-70  
Хоразм — (+998-90) 719-48-00  
Қашқадарё — (+998-91) 467-30-01

«Ishonch»дан олганинг маълумотларда манба сифатида газета номи кўрсатилиши шарт. Муаллифлар фирми таъхир хисоб рақамлари билан алоқада бўлиши мумкин.

Навбатчи муҳаррир:

Х. Норбоев  
Навбатчи: С. Абдураҳмонов  
Мусаҳҳи: С. Шодиева  
Саҳифаловчи: Х. Абдуқалилов  
Босишга топшириш вақти: — 00:10  
Топширилди: — 00:30  
1 2 3 4 5 6  
Газета офсет усулида, А-2 форматда босилди.  
Ҳажми 2 босма табоқ.  
Буюртма Ғ — 309.  
36887 нусхада босилди.  
Наврўз кунининг: 133



2007-йил 11 январда Ўзбекистон ва ахборот агентлигида 116-рақам билан рўйхатга олинган.